

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 170-ҳадис

170 - الثَّامِنُ: عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَثَلِي وَمَثُلُّكُمْ كَمَثَلِ رَجُلٍ أَوْفَدَ نَارًا فَجَعَلَ الْجَنَادِبُ وَالْفَرَاشُ يَقْعُنُ فِيهَا وَهُوَ يَذْبُحُهُنَّ عَنْهَا، وَأَنَا آخِذُ بِحُجْرِكُمْ عَنِ النَّارِ، وَأَنْتُمْ تَهْلِكُونَ مِنْ يَدِيَّ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ. [2285].

«الْجَنَادِبُ»: نَحْوُ الْجَرَادِ وَالْفَرَاشِ، هَذَا هُوَ الْمَعْرُوفُ الَّذِي يَقْعُنُ فِي النَّارِ، «وَالْحُجْرُ»: جَمْعُ حُجْرَةٍ، وَهِيَ: مَعْقِدُ الْإِزَارِ وَالسَّرَّاوِيلِ.

170. Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Мен билан сизлар бир олов ёқсан ва унга парвона ва капалаклар туша бошласа, уларни ундан хайдаган кишига ўхшаймиз. Мен липпангиздан тутиб, сизларни оловдан қайтараман, сизлар эса қўлимдан чиқиб кетасизлар».

Ином Муслим ривояти.

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари билан умматлари орасидаги муносабатлар ҳаётдан олинган мисол билан тушунтириб берилмоқда:

Қоронғи кеча. Бир одам олов ёқиб ўтирибди. Турли ҳашарот ва капалаклар келиб, ўзини оловга уриб ҳалок бўлмоқда. Олов ёнидаги одамнинг ҳайвон ва капалакларни оловдан тинмай ҳайдашига қарамай, улар ўзларини оловга уриб, куйиб кетмоқда. Улар ўзларидан олдинги шерикларининг ҳалок бўлаётганини кўриб-билиб туриб ҳам яна ўзларини ҳалокатга урадилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ўша турли жонзот ва капалакларни оловдан қайтараётган одамга ўхшаб, кишиларни дўзах оловидан, унга тушишга сабаб бўладиган ишлардан қайтарадилар. Уларни белбоғларидан ушлаб оловдан нарига тортишга ҳаракат қиласидилар. Одамлар эса, капалаклар мисоли у кишига қаршилик кўрсатиб, ўзларини оловга ураверадилар. У зот Рафиқул Аълога риҳлат қилганларидан сўнг бу ишни Суннатлари қиласиди. Ким Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатларига амал қиласа, дўзах оловидан сакланиб қолади, акс ҳолда, ўзини оловга урган капалакдек ҳалок бўлади.

Ушбу ҳадисда ажойиб бадиий ўхшатишни кўрмоқдамиз. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатларини маҳкам тутиш нақадар зарурлигини тамсил орқали тушуниб етмоқдамиз.

Манба: hadis.islom.uz

